БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

8-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 71 (1849)
9 АПРЕЛЬ
ЯКШАНБА
1961 ЙИЛ
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

*Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси—совет халқининг коммунизм қуриш учун курашдаги улуғ илҳомбахш ва ташкилотчи кучи!*

*Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!*

## 1961 йил 1 Май муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг

# ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни, барча мамлакат ишчиларининг бирлик ва қардошлик куни—1 Май!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

3. Пролетар интернационализми байроғини баланд кўтарингиз!

4. Яшасин халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик!

5. Яшасин улуғ революцион таълимот, барча мамлакатлар ишчилар синфи ва меҳнаткашларининг йўлчи юлдузи—марксизм-ленинизм!

6. Барча мамлакатларнинг коммунистларига алангали салом! Яшасин ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг жанговар авангарди—барча қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг бузилмас бирлиги ва жипслиги!

7. Тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун курашда барча мамлакатлар ишчилар синфи ва меҳнаткашларининг ҳаракат бирлиги, жанговар бирдамлиги мустаҳкамлансин!

8. Барча мамлакатларнинг халқлари! Тинчлик учун, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун курашингиз! Инсониятнинг энг ёвуз душманларини—уруш оловини ёқувчи империалистларни қатъий фош қилингиз!

9. Жаҳон халқлари! «Совуқ уруш»нинг тугатилишига ва халқаро кескинликнинг юмшатилишига эришингиз! Атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш ва бу қуролни тақиқлаш учун курашингиз!

10. Жаҳон халқлари! Барча мустамлака мамлакатлар ва халқларга дарҳол тўла мустақиллик ва озодлик берилишига эришингиз! Йўқолсин шармандали мустамлака қуллиги системаси!

11. Барча мамлакатларнинг халқлари! Ғарбий Германиянинг Европада уруш хавфининг асосий ўчоғига айлантирилишига қарши, немис реваншистларининг ракета-ядро қуроли билан таъминланишига қарши қатъий курашингиз! Иккала герман давлати билан тезликда сулҳ шартномаси тузилишини ва Ғарбий Берлиннинг эркин шаҳарга айлантирилишини талаб қилингиз!

12. Ўз халқларининг озодлиги ва бахт-саодати учун, тинчлик ва социализм учун курашган, капиталистик мамлакатларнинг тюрьмаларида азоб тортаётган мард курашчиларга қизғин салом! Реакция қурбонларига, капитал тутқунларига озодлик!

13. Яшасин озод ва суверен халқларнинг қудратли ҳамкорлиги — жаҳон социализм системаси!

Яшасин социализм ва коммунизм йўлидан бораётган халқларнинг социалистик бирлиги ва бирдамлиги!

14. Социализм қураётган Хитой Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин СССР ва Хитой улуғ халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

15. Социализм қураётган Албания Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва албан халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

16. Социализм қураётган Болгария Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва болгар халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

17. Социализм қураётган Венгрия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва венгер халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

18. Социализм қураётган, ўз мамлакатини демократик негизларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Вьетнам Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва вьетнам халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

19. Яшасин Германия Демократик Республикаси—тинчлик учун, бирлашган демократик ва тинчликсевар Германия учун курашда бутун Германиядаги прогрессив кучларнинг таянчи! Социализм қураётган Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Совет ва герман халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамлансин!

20. Социализм қураётган, ўз мамлакатини демократик негизларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Корея Халқ Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва корейс халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

21. Социализм қураётган Мўғулистон Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва мўғул халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

22. Социализм қураётган Польша Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва поляк халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

23. Социализм қураётган Руминия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва румин халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

24. Социализм қураётган Чехословакия Социалистик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва чехословак халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

25. Югославия Федератив Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Совет ва югослав халқларининг дўстлиги тинчлик ва социализм учун кураш манфаатлари йўлида ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

26. Улуғ ҳинд халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

27. Улуғ индонез халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Индонезия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

28. Тинчлик ва ўз мамлакатларининг миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Бирма, Цейлон, Камбоджа халқларига қизғин салом!

29. Ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллигини мардлик билан ҳимоя қилаётган Лаос халқига қизғин салом!

30. Афғон халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Афғонистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

31. Империалистларнинг кирдикорларига қарши, мустамлакачиликни батамом тугатиш учун, ўз мамлакатларининг мустақиллигини ва суверенитетини мустаҳкамлаш учун, миллий экономикани ривожлантириш учун курашаётган араб мамлакатларининг халқларига қизғин салом!

32. Ўз озодлиги ва миллий мустақиллигини фидокорона ҳимоя қилаётган Жазоир халқига қизғин салом!

33. Африкадаги мустамлакачилик кишанларини парчалаб ташлаган ва ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун фидокорона курашаётган эркин давлатларнинг халқларига қизғин салом!

34. Бельгия мустамлакачиларининг қуролли агрессиясига қарши, ўз миллий мустақиллиги ва Конго Республикасининг территориал бутунлигини сақлаб қолиш учун курашаётган Конго халқига қизғин салом! Империалистик йиртқичлар Конгодан йўқолсин!

35. Империализмга қарши, ўз мамлакатларининг мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш учун, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик учун курашаётган Латин Америкаси халқларига қизғин салом!

36. Янги турмуш қураётган, ўз озодлиги ва мустақиллигини фидокорона ҳимоя қилаётган Кубанинг қаҳрамон халқига қизғин салом! Кубадан қўлингни торт!

37. Англия, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги, бутун дунёда мустаҳкам тинчлик манфаатлари йўлида улар ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик яшасин!

38. Германия Федератив Республикасининг милитаризмга ва фашизмнинг тикланишига қарши курашаётган меҳнаткашларига ва барча прогрессив кучларига қизғин салом! Совет ва герман халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамлансин!

39. Совет Иттифоқи ва Италия халқлари ўртасида дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

40. Яшасин Совет Иттифоқи ва Финляндия Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

41. Совет халқи билан Швеция, Норвегия, Дания, Исландия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

42. Яшасин Совет Иттифоқи ва Австрия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

43. Ўз территориясидаги Америка ҳарбий базаларига қарши, мамлакатнинг мустақил ва демократик ривожланиши учун, барча қўшни давлатлар билан тинчлик ва дўстлик учун курашаётган япон халқига қизғин салом!

44. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати—ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши, халқларнинг хавфсизлигини ва тинчликни мустаҳкамлаш, уларнинг эркинлиги ва мустақиллигини ҳурматлаш, кенг иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш сиёсати!

45. Яшасин ғалабалар билан шуҳрат қозонган, тинчликни, Ватанимизнинг давлат манфаатларини ва хавфсизлигини ҳушёрлик билан қўриқлаётган шавкатли Совет Қуролли Кучлари!

46. Яшасин совет тузумининг мустаҳкам ва бузилмас негизи бўлган ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи!

47. Кўп миллатли социалистик давлатимизнинг куч, қудрат ва равнақ манбаи бўлган СССР халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги яшасин ва мустаҳкамлансин!

48. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунистик партиянинг XXII съездини коммунистик қурилишда янги муваффақиятлар билан кутиб олайлик! КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақа байроғи баланд кўтарилсин!

49. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари! Зўр бериб ишлаб, капитализм билан тинч иқтисодий мусобақада тарихан қисқа муддат ичида ғалаба қозонайлик! Аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан Америка Қўшма Штатларига етиб олайлик ва ўзиб кетайлик!

50. Ишчилар, колхозчилар, совет зиёлилари! Социалистик мажбуриятларни бажариш — ҳар бир корхона ва қурилиш, ҳар бир колхоз ва совхоз коллективининг шарафли ишидир! Етти йилликнинг учинчи йили—1961 йил планини муддатидан олдин бажарайлик!

51. Коммунизм қурувчиларнинг биринчи сафларида бораётган коммунистик меҳнат коллективларига ва зарбдорларига, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар бўлсин! Энг яхшиларнинг тажрибасини ҳамма меҳнаткашлар орасига ёяйлик!

52. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Мамлакатимиз қудратини ва халқ фаровонлигини янада ўстиришнинг асоси бўлган социалистик мулкни ҳар томонлама мустаҳкамлангиз! Социализмнинг: «ишламаган—тишламайди!» деган принципини оғишмай амалга ошириш учун курашингиз!

53. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Меҳнат унумдорлигини ошириш резервларидан тўлиқроқ фойдаланингиз! Фан ва техника муваффақиятларини ишлаб чиқаришга янада дадил жорий қилингиз!

54. Ишчилар, инженерлар, техниклар ва мастерлар! Социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлангиз! Маҳсулот сифатини оширингиз ва таннархини камайтирингиз!

55. Оғир индустрия ходимлари! Бутун халқ хўжалигини янада юксалтиришнинг, халқ фаровонлигини оширишнинг ва Ватанимиз мудофаа қувватини мустаҳкамлашнинг асоси бўлган оғир саноат ишларини яхшилаш учун курашингиз!

56. Совет металлурглари! Янги руда конларини ўзлаштириш суръатларини оширингиз! Халқ хўжалигига кўпроқ руда, чўян, пўлат, прокат, трубалар, рангли ва нодир металлар берайлик!

57. Совет энергетиклари, электростанциялар ва электр шохобчаларининг қурувчилари ва монтажчилари! Янги энергетика қувватларини тезроқ ишга туширингиз ва ўзлаштирингиз, энергетика системаларини қуриш ва ишлатиш қийматини камайтирингиз! Мамлакатга кўпроқ электр энергияси берайлик!

58. Машинасозлик ва асбобсозлик ходимлари! Иш унуми юксак бўлган ва тежамли энг янги машиналар ва асбоблар, комплекс механизация ва автоматлаштириш воситалари ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштирингиз! Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини техника билан тезроқ қайта қуроллантириш учун курашингиз!

59. Нефть ва газ саноати ходимлари! Геология-қидириш ва пармалаш, янги конларни ўзлаштириш ишларининг суръатини оширингиз! Нефть маҳсулотларини қайта ишловчи заводларнинг қувватларини кўпайтирингиз, нефть маҳсулотларининг сифатини оширингиз! Мамлакатга кўпроқ нефть ва газ берайлик!

60. Кўмир саноати ходимлари! Кўмир қазиб чиқаришнинг комплекс механизациялаш ва самарали усулларини кенг жорий қилингиз! Кўмирнинг таннархини камайтирингиз ва сифатини яхшилангиз!

61. Кимё саноати ходимлари! Янги қувватларни тезроқ ишга туширингиз ва ўзлаштирингиз! Кимёвий хомашёдан яхши ва арзон молларни кўпроқ ишлаб чиқарайлик! Қишлоқ хўжалиги учун кўпроқ минерал ўғитлар берайлик!

62. Совет бинокорлари! Қурилишнинг индустриал базасини мустаҳкамлангиз! Тежамли ва яхши, ўнғай ва кўркам бинолар ва иншоотлар қуринглар! Янги корхоналар, уй-жой бинолари, мактаблар, касалхоналар ва болалар муассасаларини қуриш суръатларини ва сифатини оширайлик!

63. Бинокорлик материаллари саноати ходимлари! Цемент, янги самарали бинокорлик материаллари, буюмлари ва йиғма конструкциялар ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтирингиз!

64. Ўрмончилик, ёғочсозлик ва қоғоз саноати ходимлари! Мамлакатга юқори сифатли кўпроқ ёғоч, мебель, целлюлоза ва қоғоз берайлик!

65. Енгил саноат ходимлари! Ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, молларнинг ассортиментини кенгайтирингиз! Аҳоли учун яхши сифатли ва чиройли газламаларни, кийим-кечакларни, пойафзалларни, рўзғор буюмларини кўпроқ ишлаб чиқарайлик!

66. Озиқ-овқат саноати ходимлари! Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтирингиз, уларнинг сифатини оширингиз ва хилларини кўпайтирингиз!

67. Балиқ саноати ходимлари! Очиқ денгизларда, океанларда ҳамда ички дарё ва кўлларда балиқ овлашни кўпайтирингиз! Балиқ маҳсулотларининг сифатини яхшилангиз!

68. Совет транспорти ходимлари! Темир йўл, денгиз, дарё, автомобиль ва ҳаво транспортини такомиллаштирингиз ва замонавий техника воситалари билан таъминлангиз! Юкларни ташиб бериш муддатларини қисқартирингиз! Пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилангиз!

69. Алоқа ходимлари! Алоқа воситаларини ривожлантирингиз ва такомиллаштирингиз! Почта, телеграф, телефон, радио, телевидениенинг нуқсонсиз ишлашига эришингиз! Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилангиз!

70. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Қишлоқ хўжалигини янада оғишмай юксалтириш коммунизм қуришнинг энг муҳим шартидир. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини бажариш учун курашингиз!

71. Колхоз ва совхоз меҳнаткашлари! Ватанга кўпроқ дон, гўшт, сут, тухум, жун, пахта, зиғир, қанд лавлаги, картошка, сабзавот, мева, чой ва бошқа маҳсулотлар берайлик! Аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талабини тўла қондирайлик!

72. Колхозчилар! Жамоат хўжалигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз, жамоат бойлигининг асоси бўлган бўлинмас фондларни кўпайтирингиз!

73. Колхозчилар, совхоз ходимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари! Деҳқончилик маданиятини оширингиз! Фан, техника муваффақиятларини ва илғор тажрибаларни ҳамма колхозлар ва совхозларда янада дадилроқ жорий қилингиз!

Қишлоқ хўжалигини намунали тартибда олиб бориш йўлини кўрсатувчи машъалларимиз бўлган новаторларга тенглашингиз!

74. Колхозчилар, совхоз ходимлари! Жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз, чорва моллар маҳсулдорлигини оширингиз! Мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирингиз, маккажўхори, дуккакли экинлар, қанд лавлагидан мўл ҳосил олиш учун курашингиз!

75. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Деҳқончилик ва чорвачиликда комплекс механизацияни кенг жорий қилингиз! Янги техникани эгаллангиз!

76. Совхозларнинг ходимлари! Мамлакатдаги ҳамма совхозларни намунали, юксак товар маҳсулот берадиган, рентабель корхоналарга айлантирайлик!

77. Қўриқ ерларнинг меҳнаткашлари! Ғалладан муттасил мўл ҳосил олишга эришингиз! Жамоат чорвачилигини ва паррандачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз! Техникадан яхшироқ фойдаланингиз!

78. Совет савдоси ва умумий овқатланиш корхоналарининг ходимлари! Аҳолига хизмат кўрсатишнинг юксак маданияти учун курашингиз, меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талабларини яхшироқ ўрганингиз ва тўлиқроқ қондирингиз!

79. Совет муассасаларининг ходимлари! Совет аппаратидаги ҳамма бўғинларнинг пухта ишлашига эришингиз! Бюрократизм ва сансалорликни қатъиян йўқотингиз! Меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари ва талабларига сезгир ва ғамхўр бўлингиз!

80. Фан ва олий ўқув юртларининг ходимлари! Фанни янада яшнатиш учун, техникани тараққий эттириш учун курашингиз! Янги кашфиётлар ва тадқиқотларни ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилишга эришингиз! Коммунизм даврига муносиб мутахассислар тайёрлангиз!

Илғор совет фанига шон-шарафлар!

81. Космосни забт этаётган совет олимларига, конструкторларига. инженерларига, техникларига ва ишчиларига шон-шарафлар!

82. Адабиёт ва санъат арбоблари! Совет кишиси бажараётган қаҳрамонона ишларнинг улуғлиги ва гўзаллигини ўз асарларингизда ёрқин акс эттирингиз! Асарларнинг юксак ғоявийлиги ва бадиий маҳорати учун, адабиёт ва санъатни халқ турмуши билан, замонамиз ҳаёти билан маҳкам ва чамбарчас боғлаш учун курашингиз!

83. Матбуот, радио ва телевидение, нашриёт ва маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари! Ғолиб коммунистик идеяларни, илғор тажрибаларни, фан ва техника ютуқларини, инсоният тўплаган маънавий бойликларни ҳормай-толмай пропаганда қилингиз ва омма орасига ёйингиз!

84. Халқ маорифи ходимлари! Болаларни ўқитиш сифатини оширингиз, мактабнинг турмуш билан, ишлаб чиқариш билан маҳкам боғланиши учун курашингиз! Ёш авлодни коллективизм, меҳнатга муҳаббат, Ватанга, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбиялангиз!

85. Медицина ходимлари! Халқ соғлиғини сақлашни яхшилангиз ва ривожлантирингиз! Даволаш ва санитария муассасаларининг ишида маданиятни оширингиз! Медицина фанининг энг янги муваффақиятларини практикага жорий қилингиз!

86. Яшасин меҳнаткашлар депутатлари Советлари—мамлакатимизда ҳокимиятнинг чинакам халқ органлари!

87. Совет касаба союзлари! Етти йилликни амалга ошириш учун курашда ишчилар синфининг ва зиёлиларнинг ижодий ташаббуси ва активлигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз! Ишчи ва хизматчиларнинг фаровонлигини ва маданий савиясини янада юксалтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилингиз!

Яшасин коммунизм мактаби бўлган совет касаба союзлари!

88. Яшасин коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари бўлган совет хотин-қизлари!

89. Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви, коммунизм қураётган ёшларнинг илғор отряди — Ленин комсомоли!

90. Йигитлар ва қизлар! Коммунистларча яшаш ва ишлашни ўрганингиз! Ўзларингизда меҳнатсеварлик ва интизом, юксак маънавий хислатларни ўстирингиз! Революцион традицияларни садоқат билан давом эттирингиз, коммунизмнинг онгли қурувчилари бўлингиз!

Яшасин шонли совет ёшлари!

91. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Билимларни қунт билан эгаллангиз, меҳнатни севингиз ва ҳурматлангиз! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрланингиз!

92. Коммунистлар ва комсомоллар! Партия XXII съездини муносиб кутиб олиш учун, СССР да коммунизм қуриш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

93. Яшасин коммунизм қураётган улуғ совет халқи!

94. Социалистик тузум кучи ва енгилмаслигининг манбаи, коммунизм қуришда янги муваффақиятлар гарови бўлган партия билан халқнинг бузилмас бирлиги яшасин ва мустаҳкамлансин!

95. Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлигининг қалъаси, тинчлик, демократия ва социализмнинг мустаҳкам таянчи—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

96. Яшасин жонажон Совет ҳукуматимиз!

97. Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси—совет халқининг коммунизм қуриш учун курашдаги улуғ илҳомбахш ва ташкилотчи кучи!

98. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

99. Яшасин бутун инсониятнинг порлоқ истиқболи—коммунизм!

*Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети.*

